

СОБИР АБДУЛЛА, ЧАРХИЙ ВА ҲАБИБИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА ТАСВИР ВА ТАЛҚИН МАСАЛАЛАРИ

Ҳайдарова Гулҳаё Аҳмадалиевна

Қўқон давлат педагогика институти тадқиқотчиси

XX асрнинг 60 йилларидан бошлаб ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган ташвиқий характердаги хитоба шеърлар ўрнини кўнгил кечинмалари тасвирланган лирика эгаллай бошлаган. Шу сабаб, бу давр ғазалларида образли тафаккур устуворлашди ва бу даврдан бошлаб лирик асарларни баҳолашда ижодий индивидуаллик масалалари, шоирнинг олами қай тарзда тасаввур қилиши, ўз ҳиссиётларини қай йўсинда ифодалаб бера олишига эътибор қаратила бошланди. Масалан, Собир Абдулланинг “Дард неча хилу дори давоси яна бошқа...”, “Инжима ҳар кимсадин эй дил, ёшур элдан ғаминг...”, “Тонг андалиби мунча фиғон айламасангчи...”, “Кел, эй ноз офарин, юз ғамзаву нозу фироқ айлаб...”, “Саҳар мен куйласам, ул дилрабо сори сабо элтар...”, “Ҳамиша эй кўнгил, бўл менга ҳамроҳ...” деб бошланувчи ўттизга яқин ғазаллари, Чархийнинг “Дилда пайдо бўлса гар чин иштиёқ...”, “Мунча ҳам кўнглимни севган ёри шўх...”, “Жонон кўриб жамолинг кўнглим баҳор дерман...”, “Тонг чоғи сарвинозим аста қиёлаб ўтди...”, “Баҳор келди мавсумларнинг таннози...”, “Эй юзи нур силсилаи офтоб...” каби матлаъли кўплаб ғазаллари ва Ҳабибийнинг “Баҳрасизлар бирла ўтган умру фурсатлар абас...”, “Мени нозик табиат нозанин ёр аржуманд айлар...”, “Талабим—то абадий шафқатингиз...”, “Сенингдек нодири даврон топилмас...”, “Нозанинлар ичра, эй жоно, ўзингсан ёлғизим...”, “Ташна бўлдим васлингизга ошиқи шайдо каби...” каби қирққа яқин ғазалларида лирик қаҳрамон ички дунёсини кўрсатишга интилиш, табиат гўзаллиги ва ёр чиройини омухта қилиб тасвирлаш, ва энг муҳими, давр муаммоларидан кўра, ошиқ руҳий ҳолатининг мураккаб ҳолатларигача ифодалаш жараёнларини кузатиш мумкин. Бироқ, шоир юксак истеъдод эгаси бўлса, ўзининг қарашларини ва даврга ҳаққоний муносабатини сўз аталмиш қоғозга ўраб ифодалай олган. Масалан, Чархийнинг айнан қатағон йилларида ёзилган

Бир нафаслик тинч ҳаётим энг улуғ фурсат менга,

Ҳар минут завқи – қувончим, бахт ҳар соат менга.

Ёр сочидек узун тунларда хобим ким десун,

Васл оқшомида кўз юммак эмас роҳат менга [4;414] – матлаъли ғазали бир қарашда ҳижрондан қийналган ошиқнинг дил нолаларига ўхшаш таассурот қолдиради. Байтлар синчиклаб таҳлил қилинса, “коса тагида нимкоса” борлигини илғаб олиш мумкин. Лирик қаҳрамон учун бир нафас бўлса ҳам юрак ҳовучламай тинч яшаш ҳаётдаги энг улуғ фурсатдир. Унинг учун бу фурсатнинг ҳар миноти худди бахтли соатлар кабидир, ёр сочидек узун тунларда ҳам ва ҳаттоки, висол оқшомларидаги тунлар ҳам асло роҳат эмаслигининг бош сабаби ҳам нотинч, таҳликали йиллар бўлиб, шоир XX аср ижтимоий-сиёсий муҳитининг жонли тасвирини китобхон кўз олдида келтириши учун ўз исёнларини байтлар орасига яшириб қўйишга уринади.

Юқорида таъкидланганидек, даврнинг муҳим, долзарб масалаларини акс эттиришда шеърят ҳар доим фаол позицияда бўлган. Зеро, “Лирикада очиб берилган инсоннинг ички дунёси унинг ўзини ҳам, ундаги кайфиятни ҳам туғдирган ҳаёт шароитларини тасаввур қилишга имкон беради”[2;478]. Лирик турлар ичидаги ғазал инсоннинг ҳис-туйғулари билан бирга ижтимоий ҳаёт муаммоларини ҳам қамраб олади. Унинг лирик қаҳрамони умумлашма образ бўлиб, воқелик, асосан, унинг кечинмалари билан ёритилади. Кейинги даврнинг воқеабанд ғазалларида аниқ шахслар образи кўзга ташланиб туради. Шоир мана шу образлар воситасида ҳаётнинг у ёки бу жihatларини бадиий ифодалайди. Собир Абдулла, Чархий ва Ҳабибий ғазалларида Лутфий, Жомий, Алишер Навоий, Муқимий, Фурқат, Қуддус Муҳаммадий, Ғафур Ғулом, Собир Абдулла, Мукаррама Турғунбоева, Ленин, Гитлер каби тарихий шахслар образлари қўлланилиб, улар ёрдамида ижтимоий ва адабий муҳитнинг қоришиқ кўриниши шоир тафаккуридаги жараёнлар ҳақида хабар беради. Аҳамиятлиси шуки, ҳар учала ижодкорнинг адабий меросида деярли бир хил тарихий шахслар тимсоли гавдалантирилган бўлиб, бу ҳолатни шоирларнинг бир адабий ҳаёт вакили эканлиги ва ўзаро ижодий мулоқотда бўлганлиги билан изоҳлаш ўринли. Масалан, Чархийда:

Истаб бутун ҳақиқат, чекдинг азоб ва меҳнат
Энди етиб бу фаросат ёдлар замон, Муқимий.[5;29]

Собир Абдуллада:

Санъатимиз Мукаррама сахнада сола ўйнади,
Таъриф-у тавсифи билан мадҳ-у рисола ўйнади.[3;63]

Ҳабибийда:

Чекди кўп заҳмат Муқимий, Фурқатий бечоралар,
Қаро қилди бахтини бир неча бағри қоралар.[6;358]

Ҳабибийнинг 1945-йил яратилган “Берлин фатҳининг тарихи” сарлавҳали ғазалида воқеълик иккинчи жаҳон уруши воқеаларини тезис сифатида баён этишга қаратилган. Шеърнинг матлаъси ватанни мадҳ этиш билан бошланади:

Жаҳонда бормиким бизнинг Ватандек ашрафу ақдас,
Гўзал, бир хушҳаво, тупроғи, боғу гулшани наврас.

Кейинги байтдан асосий қисмга ўтилади:

Вафо расмин бузиб, андишайи хом бирла макр айлаб,
Босиб олмоқ учун от қўйди бирдан тўдайи нокас.
Элим сар-сар каби юрди, югурди тор-мор этди,
Тўзиб тоқат қилолмай, қочди душман мисли хору хас.
Шошилмай, тўхтамай сурдик, зафар бизларга ёр бўлди,
Бу шўришлик уруш охир бориб Берлинда бўлди бас.

Китобхон кўз ўнгида уруш манзараси бутун дахшати билан намоён бўла бошлайди. Хулоса қисмда эса шоирнинг умумий қарашлари кўринади:

Бўлиб дахшатли жанглар, ўтди сонсиз давру давронлар,
Бунингдек фатху нусрат кўрмаган бу гумбази атлас.
Ҳабибий, офарин деб, тан бериб сўрсанг неча оқил,
Деди тарихи фатҳин (мард совет байроғи) бўй эгмас.

Ғазал мақтаъсида Ҳабибий мард совет байроғи бирикмасида тарих санъатини ҳосил қилган. Ажратиб кўрсатилган “мард совет байроғи” бирлиги ёрдамида Ҳабибий мумтоз адабиётдаги тарих санъати қоидаларига мувофиқ 1945-йил санасини чиқарган. Шоирнинг биргина йил билан ҳам 2-жаҳон урушининг яқунланиш йилини, ҳам Берлин фатҳининг тарихини, ҳам айнан шу муносабат билан ёзилган ғазалнинг “туғилиши” йилини ифодалай олгани унинг нақадар ҳозиржавоб ва зукко эканлигини исботлайди.

1931-йилда ёзилган “Йигитлик” сарлавҳали ғазали иккинчи байтининг биринчи мисрасида шоир атрофдаги сиёсий-ижтимоий ҳаётдан олган хулосаларини шўро ҳукуматини мадҳ этгандек бўлиб, айтади:

Жаҳолат зулматида кўп замон беҳуда умр ўтди,

Оғир ғафлатда қолганмиз билимсизлик бало келди[6;285].

Ғазалга, умуман, бадий асарга қўйилган ном асардаги ғояни англашга ёрдам берувчи калит сўз ҳисобланади, бу калом мазмунга етакловчи кўприк вазифасини ҳам бажариши шубҳасиз. Ғазал номи “Йигитлик” деб номланган бўлса-да фақатгина матлаъда йигитлик ҳақида сўз боради, ғазалнинг қолган қисмлар эса шоирнинг замон тўғрисидаги фикр мулоҳазаларидан иборат. Бу мулоҳазалар шўро ҳукуматини алқаб ёзилган бўлса-да иккинчи байт синчиклаб таҳлил қилинганда шеър мазмунига бутунлай тескари маъно англашилади. Шеър ёзилган йилларда қатор ўзбек маърифатпарларига ҳукумат томонидан маънавий тазйиқ ўтказила бошланган эди. Бундай мулоҳазалари билан шоир ижтимоий вазиятни тўла англаб, Сталиннинг катағон сиёсатини худди олдиндан башорат қилгандек бўлади.

Ғазалнинг қолган барча байтлари ижтимоий тузумга хайрихоҳлик билдириш сифатида кўринса-да, зийрак китобхон буни сезиб туради:

Қурилди қай куни аҳкоми шўро ўсди маълумот,

Саводсизлик касалларга маорифдан даво келди.

Кўринди маърифат хуршиди, нури бўлди элга ом,

Ҳама касб этди бир-бир давримиз даври сафо келди.

Ятиму камбағаллар соҳиби фазлу ҳунар бўлди,

Билур ўз қадрини ким душману ким ошино келди.

Олур ҳар ким ҳуқуқни, бўлса ғайрат ўз кучи бирла,

Ҳалол меҳнат билан олганча олса ким раво келди.

Очилди ҳикмату санъат қапуси, бўлдик бахтиёр,

Ҳабибийдек неча бебахтларга муддао келди.[6;285]

Собир Абдулланинг ижодида “устида” радибли бешта ғазал мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммаси алоҳида-алоҳида мавзуларда ёзилгани билан диққатга сазовор. Мумтоз адабиётимиз тарихидан маълумки, Лутфий, Алишер Навоий, Огаҳий каби шоирлар “устина” радибли ўнлаб ғазаллар ёзганлар. Профессор А.Ҳайитметовнинг маълумотига кўра, 1940-йил Собир Абдулла Уйғун билан ҳамкорликда Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” девонидаги шеърлардан “Чор девон” номли янги тўплам тузишган [7;58]. Бу ҳамкорликдан сўнг, Собир Абдулланинг мумтоз асарларга янада муҳаббати ортган. Шундан сўнг, адабий устозлар таъсирида бирин-кетин “устида” радибли ғазаллар пайдо бўлган:

Сабза ранг кўйлақдаги қизни кўриб тоғ устида,
Лола очилмиш дедим зангори япроқ устида.[3;19]

Ёр таърифи акс эттирилган мазкур ғазал Навоийнинг шундай радифли ғазали таъсирида ёзилган бўлиб, ундаги ёр сиймоси, ғоя, вазн, қофия ва радифлар ҳам анъанавийдир. Таъсирланиш Навоийнинг айнан қуйидаги ғазалидан бўлган деб айтиш мумкин:

Нилдин беҳол холинг лаъли сероб устина,
Тухми райҳон тушти гўё шарбати ноб устина.[1;565]

Навоийнинг ғазалида таърифланган ёр сиймоси, унинг қоши, сочи, юздаги холи тасвирига Собир Абдулла эргашган бўлса-да, айнан такрорлашдан қочган, янгилик киритишга интилган. Унинг ғазалидаги ёр сабза ранг кийимда ва тоғ устида жойлашган бўлиб, ўхшатишлар шоирнинг ҳаётий тасаввурлари натижасидир. Масалан: тоғ устидаги сабза ранг кўйлақдаги қиз зангори япроқ устида очилиб турган лолага, оппоқ юзидаги хол эса қаймоқ устида турган седонага, юзидаги қатра-қатра марваридлар(яъни, тер томчилари) янги узилган кулчага қиёсланади. Демак, шоирнинг ўзига хослиги шундаки, анъанавий ёр тасвирини ўз тасаввури билан янада бойитди, янгилади. Бу тасвир жараёнида тамсил, ҳусни таълил каби шеърӣ санъатларни ҳам қўллаб, ғазал бадииятини янада бойитишга эришган:

Оқ юзида нуқталар эрмаски, дерлар ҳол ани,
Бир-икки сидонаким, широба қаймоғ устида.
Марваридлар қатра-қатра, оразий рахшонида,
Тер эрур, янги узилган кулча-ширдоғ устида.

Тасвир давомида ёрнинг тоққа чиқиш сахнаси бор. Унинг тоққа чиқишдан мақсади лолага доғ солиш, лекин билмайдики, лола кўкси ўзи юз доғ, гўзал ёрни кўриб эса, яна доғ устига доғ бўлади:

Тоғга чиқмоқдан муроди, лолани доғ айламак,
Билмагайким, лола кўкси доғ, юз доғ устида.
Жонга қасд айлаб турар ул икки шахлоси кўринг,
Ғамза-ю нозу тағофил, бирла қийноғ устида.
Доғ кўйиб Собирни бунда, кетди бепарво йироқ,

Ўт олур, гар турмаса, бўлганда доғ, ёғ устида – мақтасида шоир ҳусни таълил санъатини қўллаб, ғазални яқунлайди. Яъни, ёрнинг бепарво ҳолда йироқ кетганидан лирик қаҳрамон-шоирнинг қалби доғ бўлди, кейинги фикр эса ғазалга бироз ёпишмагандек тасаввур уйғотади ўқувчида. Ёрнинг ошиқ қалбини доғлаб кетиши билан ёғни доғ қилаётганда, яъни, қиздираётганда тепасида турмаса ўт олиши – бу икки ҳодиса ўртасида боғлиқлик кузатилмайди. Ғазалнинг ёзилиш санаси 1940-йил эканини ҳисобга олсак, шоирнинг 35 ёшида яратган мазкур асарда бироз камчилик учраши табиий ҳол бўлиб, бу ғазал ёрдамида шоир ижодий тақомилини кузатиш имконига ҳам эга бўлишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ХХ аср ўзбек ғазалиётининг вакиллари бўлган Собир Абдулла, Чархий ва Ҳабибий каби ижодкорлар воқеликни тасвирлар экан, мумтоз адабий анъаналарни давом эттиришга интилади. Ўз

даври мафкуриси таъсирида замоннинг долзарб воқеаларини ёритиш фониди иждокорнинг юксак тафаккури бугунги кун китобхони билан “ижодий мулоқот”га киришади. Келажак китобхони ғазалларидаги яширин маъноларни тўла англаб олишига ишониб, байтлар қатига ўз исёнларини, хулосаларини, замон воқеаларига иждодий муносабатини яшира олади. Бундан ташқари, ҳар учала иждокор ғазалларида Алишер Навоийнинг тасвир маҳоратидан таъсирланиб, анъаналарни давом эттиришга интилиб, ўзига хос тарзда воқеликни акс эттира олган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Фаройиб ус-сиғар. – Тошкент: “Фан” нашриёти. 1988.
2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. –Тошкент: „Ўзбекистон”, 2002.
3. Собир Абдулла. Девон. –Тошкент: “Тошкент” бадий адабиёт нашриёти, 1965.
4. Чархий. Девон. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.
5. Чархий. Қиёлаб ўтди. – Тошкент: “Академнашр”,2010. Б.29
6. Ҳабибий. Девон. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1980.
7. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Тошкент:”Ўқитувчи” нашриёти, 1997.